Ушбу сонда:

2 Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига — СИРДАРЁ МАЛИКАЛАРИ

3 Ўзбекистон - Япония ҳамкорлиги — ЭЗГУЛИКДАН БАРЧА КУЧ ОЛАДИ

4 Кино — ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 25 апрел, чоршанба № 63 (1077)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Саховат

Ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимиз учун азалий одат. Шу маънода Юнусобод тумани ҳокимлиги катта савобга қўл урганлигини таъкидламоқ лозим. Ҳокимлик қарорига биноан тумандаги 729 ўқувчи юз фоиз, 682 нафари эса 50 фоиз овқат учун тўланадиган тўловдан озод этилди. Шунингдек, 87-махсус мактабга қўшимча маблағ ажратилди. Унга кўра ҳар бир болага 100 сўм миқдорида овқат пули бериладиган бўлди.

Бундан ташқари туман халқ таълими бўлимининг ташаббусига кўра мактабгача таълим масканларида «Ёш оналар маркази» ташкил этилди. Бу эса бўлажак оналарни ёшлигиданоқ оила сир-асрорларини ўрганиб, тушунча ҳосил қилишларига муҳим тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ш.ҚОБИЛОВ.

Инсон борки эзгу ниятлар билан яшайди. Унга эришиш учун йиллар мобайнида изланади, сидқидилдан меҳнат қилади. Ўзининг ажойиб фазилати, омилкорлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган, орзусига эришган бахтли инсонлардан бири — Қува туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги устахонаси мудири С.Отахоновдир. Хўжалик меҳнат ютуқларида унинг муносиб ҳиссаси бор. Ўнгдаги суратда эса Тошлоқ туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги қўлигул устаси Абдуҳаким Қўчқоров.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

«Ташаббус-2001» ғолиблари

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун уч йўналишда ўтказилган «Ташаббус-2001» танлови инсон салоҳияти чексиз эканлигини, мустақил юртимизда янги бир синф шаклланиб келаётганини ишончли тарзда намоён этди. Нуфузли ҳакамлар томонидан фаолияти юқори баҳоланган Паркент туманидаги «BER-AD» хусусий фирмасига ҳам омад кулиб боқди. Фирма «Энг яхши тадбиркор» сифатида эътироф этилиб «Нексия» автомашинасини қўлга киритди.

Мухбиримиз Кобил Шокиров мазкур фирма бош директори Сайдикарим Юсупов билан учрашиб, ютуқлар омили ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.

«НЕКСИЯ» МУБОРАК «BER-AD»

Ўзбекистонимиз бамисоли жаннат. Она заминимизда етиштирилаётган ширин-шарбат неъматлар ҳеч ерда йўқ. Буни муқаддас заминимизга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам эътироф этишади. Мустақилликдан сўнг тадбиркорликка, ҳар бир инсон ўз салоҳиятини намоён этишига кенг имкониятлар яратиб берилди. Тотли мева ва сабзавотларни ўзимизда қайта ишлаб, бежирим идишларда қадоқлаб истеъмолчиларга тақдим этсак, барчага манзур бўлишига ишонардим. Шу боис хусусий фирмамиз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор бердик. Изланиш, мақсад сари дадил интилиш ўз самарасини берди. 1997 йилда фирма маҳсулотлари халқаро сифат сертификати билан тақдирланди. Бу лажон, саримсоқ каби сабзавотларни замонавий технология асосида қайта ишлаб, мижозларни кўпайтириб бораяпмиз.

Ўтган йили 980 тоннадан зиёд маҳсулот қайта ишланиб, 244 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда 67 миллион сўмдан ошди. Ишлаб чиқариш корхоналаримизда 100 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Маданий-маиший, тиббий хизмат ҳам намунали ташкил этилган. Ўртача ойлик маош 15 минг сўмни ташкил этмоқда. Биз имконият даражасида мактаб ва шифохоналарга моддий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Асл тадбиркор истиқболни кўзлаб фаолият юритади. Ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида Голландия, Дания, Германия, Россия, Украина каби давлатларнинг сармоядорлари, тадбиркорлари билан алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Шу йилнинг ўзида 2 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган. Яқинда яна бир қувончли воқеа бўлди 57 гектар қўшимча ер олдик. Ниятимиз, бу ерда ажойиб узумзор барпо этиш, янги иш ўринларини ташкил этишдир.

Бош Комусимизни яхши билиш маънавий баркамоллик, Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, жамиятимизнинг эртанги кунига қатъий ишонч ва ниҳоят, ўз фуқаролик бурчимизни яхши англаб етиш демакдир. Шу боис, Марҳаматдаги агробизнес коллежи раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси Асосий Комусимиз моҳиятини талабалар онги-шуурига чуқур сингдиришга қаратилган қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ БИЗГА НИМА БЕРДИ?

Ушбу масканда бўлган киши амалга оширилаётган ишлар талабалардагина эмас, муаллимларнинг ўзларида ҳам катта қизиқиш уйғотганлигини ҳис этади. Бу ерда ҳафтанинг уч куни мобайнида дарс бошланиши олдидан 20 дақиқа Конституциямизнинг бирор моддаси юзасидан суҳбат, савол-жавоб ўтказилмоқда. Барча машғулотга пухта тайёргарлик кўради. Фикр алмашувлар жараёнида талабалар Бахт Китобининг моҳияти, ҳаётимиздаги ўрни ва роли хусусида аниқ тасаввурга эга бўлиб бормоқдалар. Машғулотлар очиқ мулоқот тарзида ўтказилаётгани учун ҳам кўзланган мақсадга эришилмоқда.

Коллежнинг маънавият ва маърифат хонаси дид билан жиҳозланган. Қадам ранжида қилган талаба газеталарнинг янги сонлари, Президентимиз асарлари, республикамиз мустақиллиги йилларида қўлга киритилган оламшумул муваффақиятларни акс эттирувчи суратлар, диаграммалар билан яқиндан танишади. Коллеж директорининг ўринбосари Илҳомжон Ҳожиев ва касабақўм раиси Мирзаҳаким Йўлдошевнинг ташаббуси билан «Конституцияни ўрганамиз» бурчаги ташкил этилди. Унда изоҳли мақолалар, рангли фотоалбомлар ёрдамида сўнгги қарийб ўн йил мобайнида Андижон вилоятида, шу жумладан Марҳамат туманида юз берган иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб борилмоқда.

Йил бошида «Тарихимизни яхши биласизми?» кўрик-танлови ўтказилганди. Яқиндан бошлаб гуруҳлараро «Қонун, ҳуқуқ, бурч» танлови бошлаб юборилди.

— Конституциямизни ўрганиш жараёнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат мазмун-моҳиятини теранроқ англадим, ўзимга бўлган ишончим мустаҳкамланди, - дейди талаба Ш.Аҳмедов. Мазкур коллеж қишлоқ хўжалиги учун фельдшерлар, зооветеринарлар, технологлар, фермерлар, менежер ва ҳуқуқшунослар тайёрлашга даъват этилган. Юқорида қайд этилган ибратли ишлар малакали, билимдон кадрлар тайёрлашда муҳим рол ўйнамоқда.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ТОШКЕНТДА КУРАШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбек кураши бўйича 28-29 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи Осиё чемпионатида 16 мамлакатдан юзга яқин спортчи иштирок этади.

Халқаро кураш ассоциацияси раҳбарлигида ўтадиган мазкур халқаро мусабақанинг бевосита ташкилотчилари Осиё кураш конфедерацияси ва Ўзбекистон Миллий кураш федерациясидир.

Иштирок этувчи мамлакатлар рўйхатида Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Мўғулистон, Непал, Қозоғистон, Шри-Ланка, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Сингапур, Таиланд, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон каби мамлакатлар бор.

Миллий матбуот марказида айни тадбир юзасидан уюштирилган матбуот анжуманида Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов ҳамда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов журналистларга мусобақа ҳақида батафсил гапириб берди.

(Давоми 3-бетда).

ЎРТАДА ҲАЙРОН ФЕРМЕР

низоли масала хусусида холис қарашлар

Пастдарғом туманида айни пайтда юзлаб фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга, мўл-кўлчиликни таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда. «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил топган «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги ҳам ана шулар жумласидандир. Лекин кейинги бир йилдан зиёдроқ ўтган вақт ичида мазкур фермер хўжалиги раиси Тожибой Мейлиевнинг боши ташвишдан чиқмай қолди.

«Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги ўз фаолиятини 1995 йилда бошлаган эди. Деҳқончиликда яхши натижаларга эришган, шартномавий режаларни муттасил бажариб келган қишлоқ тадбиркорлари 1999 йилда фермер хўжалиги ерларини кенгайтиришни ният қилишди. Бу ҳақда туман ҳокимига ариза билан мурожаат этдилар. Мутасадди раҳбарларнинг кўрсатмасига биноан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Р.Сафаров, туман ер ресурслари хизмати бўлим бошлиғи М.Нурмонов, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги директори Х.Ҳазратов имзолаган хулосада «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги ерини 6 гектарга кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб топилган. Шунга кўра туман ҳокими ўзининг 1999 йил 25 октябрдаги қарори билан «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигига 6 гектар қўшимча ер ажратиш ҳақидаги қарорини тасдиқлайди. Шу асосда туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Мамазиё Нурмонов бошчилигидаги мутахассислар ва жамоа хўжалиги вакилларидан иборат гурух хўжаликнинг 106-контуридан 6 гектар ерни ўлчаб, далолатнома тузишади. Ер жамоа хўжалиги балансидан чиқарилиб, фермер хўжалиги ихтиёрига ўтказилди. Бунга оид барча ҳужжатлар тегишлича расмийлаштирилди.

Аммо 2000 йил баҳорига келиб, ушбу 6 гектар ерда илгари ишлаган пудратчи Д.Отақулова шикоят ёзади. Унинг сўзларига қараганда, ер фермерга пудратчининг розилигисиз берилган эмиш. Шундан сўнг турли идоралар томонидан текширишлар бошланди. Баъзилар пудратчининг талаби тўғри, дейишса, бошқалар фермерга ер қонуний ажратилган деб айтишади. Хўш, биз нималарни аниқладигу қандай хулосага келдик. Мутасадди идораларнинг ваколатини зиммамизга олмоқчи эмасмиз. Баъзи холис мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз, холос.

Туман ер ресурслари хизмати бўлими мутахассиси Ж.Рустамовнинг таъкидлашича, фермер хўжалигига ер топширишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бузилмаган. Бошқа идораларда, хусусан туман ҳокимлигида ҳам шу каби фикрларни эшитдик. «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги фаолиятига нисбатан ҳеч ким эътироз билдирмади. Биргина пудратчи Д.Отақулова, аниқроғи унинг отаси Х.Отақулов ер уларнинг розилигисиз фермер хўжалигига берилгани, шунинг оқибатида уларнинг оила аъзолари ерсиз, ишсиз қолганини даъво қилмоқда. Лекин Д.Отақулова билан фақат бир йилга, аниқроғи 1999 йил ҳосили учун пудрат шартномаси тузилганлиги негадир кўздан қочирилади. Қолаверса пудратчига ер узоқ муддатга акт асосида ижарага берилмаганлиги боис мазкур 6 гектар майдон фермер хўжалиги тасарруфига ўтказилганда ер шудгорланган бўлган. Шунга кўра бу вақтда Д. Отақулова билан жамоа хўжалиги ўртасида 1999 йил беда ҳосили учун тузилган пудрат шартномасининг муддати тугаган деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги ҳудудида 2000 йилда экиладиган экинларни жойлаштириш жадвалида 106-контурдаги 6 гектар ер «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигига тегишли эканлиги, бу майдонга чигит экилиши кўрсатилган. Мазкур ҳужжат вилоят ер ресурслари бошқармаси мутахассиси У.Тошматов, туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи М.Нурмонов, «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги раиси Б.Абдунабиев ва бошқа мутахассислар томонидан 1999 йил ноябрда тузилиб, имзоланган.

Отақуловларнинг мурожаатларидан сўнг вилоят адлия бошқармаси пудратчиларнинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритади. Унда «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигига 106-контурдан берилган 6 гектар ерни хўжаликка қайтаришни туман ер ресурслари зиммасига юклаш, ер ижара шартномасини бекор қилиш, фермер хўжалигининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олинган гувоҳномани бекор қилиш ва жавобгарлардан Д.Отақулова фойдасига 256 минг сўм маънавий зарар пулини ундириш сўралган. Ушбу даъвони асоссиз ёки ноҳақ деб бўлмайди. Фақат, бизнинг фикримизча, бу ўринда пудратчининг манфаатлари кўзлангану фермернинг манфаати эътибордан четда қолдирилган, бошқача қилиб айтганда, бир ёқламаликка йўл қўйилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси пудратчи Д.Отақулованинг манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судида кўриб чиқилди.

Шу ўринда, суд жараёни ва суд қарори хусусида қуйидаги мулоҳазалар туғилди. Биринчидан, ишга алоқадор томонлар даъво аризаси билан олдиндан таништирилиши керакмасмиди? Иккинчидан, манфаатдор томон сифатида «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигининг вакили судга нега таклиф қилинмади? Учинчидан, вилоят адлия бошқармасининг вакили ва суд раиси «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигига қўшимча 6 гектар ер берилиши тўғрисидаги қарорлар қонунийлигини ва фақат ерни ўлчашда нотўғри йўл тутилганини таъкидлашса-да, нега суд қарорида фермер хўжалигини ер билан таъминлашдаги хатони тўғрилаш ифода этилмади?

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ САФАР

Наманганлик бир гурух тиббиёт ходимлари Москванинг Склифосовский номидаги илмий тадқиқот институти ва Санкт-Петербургнинг Жанилидзе номидаги Тез ёрдам илмий тадқиқот институтига стажировкага жўнаб кетишди.

Россиянинг етакчи илмий марказлари билан тузилган шартномага кўра, наманганлик шифокорлар бир ой давомида замонавий тез тиббий ёрдам, ташхис ва даволаш усулларини ўрганади. Уч йил мобайнида асосан вилоят тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг туман филиалларида меҳнат қилаётган юзга яқин шифокорнинг малакасини ошириш кўзда тутилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг шифокорларни Москва ва Санкт-Петербургга стажировкага жўнатиш тўғрисидаги ташаббуси вилоят ва туманлар ҳокимликлари томонидан амалий қўллаб-қувватланди. Шунингдек, Россиядан тиббиётга оид янги адабиётларнинг катта туркуми харид қилинди. Китоблар вилоятдаги тиббиёт муассасаларига тарқатилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

СИРДАРЁ МАЛИКАЛАРИ

Қадим Сирдарё тарихининг ҳали очилмаган, ўқилмаган саҳифалари кўп. Юрт шайдоси Пиримқул дўст Муҳаммаднинг шаҳодат беришича, эл-улус хотиржамлиги, омонлиги йўлидаги буюк юмушларда момоларимиз ҳиссаси беқиёс бўлган. Бизгача етиб келган шундай ҳикоят бор: Малика Зарина босқинчиларга қарши тенгсиз курашда енгилади. Унинг олдида икки йўл, бири қаҳрамонларча ҳалок бўлишу хонавайрон бўлган юртни ёғий қўлига топшириш, иккинчиси эса маълум шартларни қабул қилиб элни ҳалокатдан сақлаб қолиш. У Юрт озодлиги, ободончилиги, халқ тинчлиги учун ўзини фидо қилди. Воҳа халқлари ғурурига айланган Дилшод Барно, Хосият Худойдод қизлари ҳам ана шундай қаҳрамонликларга қодир бўлишган.

Юрт истиқлолидан сўнг Мирзачўл аёлларидаги ўша ўктамлик, шижоат яна уйғонди, десак ҳеч муболаға эмас. Мавзудан чекинмаган ҳолда айрим рақамларга эътиборингизни тортамиз. Бугун вилоятдаги 391 нафар аёл ўз хусусий корхона ва фирмаларига эга. Ҳар юз нафар аёлнинг бири тадбиркорлик йўналишида ўз истеъдодини намоён этаётир. Бу нимани шарофати? Юрт истиқлоли, фикрий қулликдан озод бўлишликнинг меваси эмасми! Айни чоғда беш минг нафардан ошиқ киши уддабурон аёлларимиз туфайли муқим иш ўрнига эга бўлди. Воҳа иқтисодиёти юксалишида, айниқса маиший хизмат тизимида аёллар меҳнати салмоқли ўрин тутиб келмоқда.

Сира ёдимдан чиқмайди. 1992 йил эди. Мирзаобод туман ҳокимлигига бир аёл ташриф буюрди. У тумандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун кийим-бош тикиб топширмоқчилигини билдирди. Хулласа, Гули Мамаева ўзи тиккан бежирим либосларни гўдакларга улашди. Кейинчалик билсак опа ўз фирмаси чиқарган илк маҳсулотини болажонларга атаган экан. Қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо у ўзгармади. Элим деди, юртим деди. «Тадбиркор аёл» уюшмасини очиш, ишини юргизиш учун елди-югурди. Хотин-қизлар бошини қовуштирди.

Дарвоқе, «Тадбиркор аёл» уюшмаси «Қишлоқ жойларда аёллар учун кредит иттифоқларини ташкил этиш» мавзуида лойиҳа яратиб, уни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки танловига тақдим этди. Республикамиз бўйича тавсия этилган лойиҳаларнинг ўндан бири грантга сазовор бўлди. Улар орасида Гули Мамаева раҳбарлигида яратилган лойиҳа ҳам бор. Яқинда банкнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Дэвид Пире 5 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантни топширди.

— Бу қишлоқлардаги аёллар муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган илк грантдир, - дейди Гули Мамаева. — Қувончлиси, хотин-қизларимизда тадбиркорлик фаолиятини жонлантиришга катта имкон бор. Кредит иттифоқлари тузиш йўли билан қўплаб аёлларимизга мадад беришни кўнглимизга тукканмиз. Янги иш ўринлари яратиш, ўқитиш, яъни касбга йўллаш каби қўлимиздан келган барча чораларни кўраверамиз.

Вилоятдаги аёлларнинг қарийб 50 мингга яқини муносиб иш ўринларига эга бўлиш орзусида. Улар ўз жойларини топишлари учун билим, малака, қолаверса, озгина сармоя керак.

Яширишга не ҳожат. Маиший хизмат тизимидаги муаммолар ечимини топиш осон кечмаяпти. Бутун бошли бир вилоятда кийимларни кимёвий усулда тозалаш, кир ювиш имконини берувчи корхона йўқ. Нега? Эскилари бузилиб ишга яроқлилик қобилиятини йўқотиб бўлди. Неча йилдирки янгисига асос соладиган бир мард топилмади. Ниҳоят ана шу хайрли ишни ҳам аёллар ўз зиммаларига олишди.

— Японияниг Жайко фирмаси билан ҳамкорликда кийимларни кимёвий усулда тозалаш ва замонавий кир ювиш воситаларини келтирдик, - дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Ҳусаинова. — Гулистон шаҳридан жой олдик. Бино қайта таъмирланиб, сўнгги пардозлаш ишлари поёнига етаяпти. Тез орада шаҳарликлар беминнат дастёрга эга бўлишади. Ана шундай цехларни қатор туман марказлари ва қишлоқларда ҳам очиш ниятимиз бор.

Сирдарё туманидаги «Ганжина» ва «Колос» фирмалари ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга ошно этишдек савобли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Тажрибали мураббийлар Маҳбуба Қурбонова ҳамда Галина Мусаенколар юз нафардан зиёд қизларга зардўзлик ва шарқ ширинликлари тайёрлаш бўйича сабоқ беришди. Айни дамда уларнинг аксарияти ўз ишининг усталари. 220 дан зиёд ишсиз хотин-қизлар қўмита кўмагида ўқитилиб янги касб-кор эгаларига айланишди.

Аёлларни ижтимоий муҳофазалаш, ёлғиз ва кекса аёллар, серфарзанд оилаларга ғамхўрлик эътибордан четда қолмаяпти. Ўтган даврда кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилди. Тушган маблағ эса аёлларга ижтимоий ёрдам тариқасида улашилди. Меҳнатобод туманидаги «Шаҳло» фермер хўжалиги раҳбари Гулсара Умарова тумандаги кам таъминланган тўрт оилани ўз қарамоғига олган. Янгиер шаҳридаги «Шодлик-Р» хусусий корхонаси ҳам даромадининг муайян қисмини савобли ишларга йўналтириб келмоқда.

— Юртимизда аёллар ўз қадрини топган. Кўплаб қонунларимиз улар манфаатини ифодалаб келмоқда, - дейди Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудири Муҳаббат Қурбонова. — Бу меҳрибонликка жавобан биз аёллар ҳам фаол бўлмоғимиз даркор. Ўтган даврда хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича 12 тадан ортиқ тренинг ўтказдик. Тўғриси, бугун аёлнинг бекор қолган куни йўқ. Ўнлаб ташкилотлар аёлларимизнинг турмушини енгиллаштириш учун тинимсиз изланмоқда. Ҳеч бир давр ва замонда аёл бу қадар қадр-қиммат топган эмас.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚЎЛИ ОЧИҚ ТАДБИРКОР

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Турсун Хўжа» кичик корхонасининг раҳбари Нурмирза Турсунов 23-сонли ўрта мактабга корхона даромади ҳисобидан стипендиялар ажратди.

Ушбу стипендиялар мактабда таълим олаётган 50 нафар аълочи ўқувчи ҳамда фаолларга топширилади. Н.Турсуновнинг фикрича, ўқувчилар оладиган 500 сўм миқдоридаги стипендия иқтисодий муаммоларни ҳал қилмасада, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, аъло ўқишга рағбатлантиради.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН БУЮРТМА

Асака темир-бетон буюмлари заводи «Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар» автотрассаси қурувчиларидан 100 миллион сўмлик маҳсулотга буюртма олди.

Айни пайтда автомобил йўлларини қуриш учун зарур бўлган 30 миллион сўмлик бетон плиталар, новлар ва бошқа махсус ускуналар етказиб берилди. Буюртмани етказиш ишлари ўз муддатида амалга ошириляпти. Бу эса автотрассадаги қурилиш ишларини узлуксиз олиб бориш имконини бераётир.

«Туркистон-пресс»

Инсондан қоладигани яхшилик, меҳру оқибат

Кўча-кўйда ё меҳмонда бирон танишингиз ёки қариндошингизни кўрсангиз ҳол-аҳвол сўраша туриб, албатта, «болалар омонми» деймиз. Бунинг маъноси катта.

Ҳа, оиланинг мустаҳкамлиги, авлоднинг давомийлиги, демакки, Ватаннинг келажаги, қудрати биринчи навбатда соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишига боғлиқ. Қадимдан айтилиб келинаётган гап бўлса-да қанча такрорланмасин, ҳеч қачон қадрини йўқотмайди.

ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА

Янги асрнинг биринчи йили мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили», деб эълон қилиниши эзгу мақсад йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширишга омил бўлди. Ҳамма жойда бўлгани каби она ва бола саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Пахтакор туманида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Фаолиятни кенгайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланяпти.

— «Она ва бола» давлат дастуридан келиб чиқиб ўз дастуримизни ишлаб чиқдик, — дейди туман ҳокими муовини Илҳом Отабоев. — Маълумки, қиз бола нозик гулдек, уни асраб-авайлаб вояга етказиш даркор. Шуни назарда тутиб дастуримизда асосий эътиборни қизларни турмушга чиқаришга тайёрлашга қаратдик. Мақсад, ҳар бир қиз оилавий ҳаётини ҳам жисман, ҳам маънан тайёр ҳолда бошласин. Соғлом фарзанд дунёга келтириб, уни соғлом ўстириш учун тиббиётдан ҳам тушунчага эга бўлсин. Айтишадику, фарзандга биринчи тарбиячи ҳам, шифокор ҳам — она.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги энг катта бойлик. Наврўз байрами арафасида «Самарқанд» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида шифокорлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Унинг барпо этилишида ҳомий ташкилотлар 11 миллион сўмлик ҳиммат кўрсатишди. Давлат бюджетидан ажратилган 5 миллион сўмга тиббий жиҳозлар олинди. Ҳашар йўли билан мазкур бино атрофи ободонлаштирилди. Гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бу йил яна икки жойда шундай замонавий шифо масканлари ишга туширилади.

Яқинда тумандаги ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам тарқатилди. Хўжалик ва ташкилотлар томонидан жойларда дастурхон ёзилди, турли неъматлар улашилди. Жумладан, «Пахтакор» ширкат хўжалигида иқтисодий ночор оилаларга хонадон аъзолари сонига қараб 50 килодан 100 килогача ун тақсимланди.

Ўтган йили Пахтакор шаҳрида ҳомийлар саховати билан 20 ўринли Меҳр-мурувват уйи қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир тумандаги 70 нафар ёлғиз қария кучли ижтимоий ҳимояга олинган. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари вақтида етказиб берилмоқда. Ҳаммаларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Р.МУҲАМЕДОВ.

МАОРИФЧИЛАРГА СОВҒА

Наманган вилоятида катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган объектлар фойдаланишга топширилди. Вилоят қурувчилари Наманган шаҳридаги эски, мослаштирилган бинода жойлашган 50-мактаб учун 1200 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув биносини барпо этишди.

Янги мактаб қурилишига 270 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Яна 15 миллион сўм компьютер, лингофон хоналарини, кимё ва физика фанлари бўйича тажриба лабораториясини жиҳозлашга сарфланди. Шуниси эътиборга лойиқки, мактаб биносини қуриш ва жиҳозлаш учун зарур маблағнинг бир қисми мактаб жойлашган Охунбобоев номли маҳалла аҳли томонидан тўпланди.

Наманган тумани маориф ходимлари ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Маорифчилар маҳаллий ҳокимият, тумандаги бир қанча хўжалик, корхона ва хусусий тижорат тузилмалари ёрдамида Тошбулоқ қишлоғида «Соғлом авлод» марказини очишди. Марказ болаларнинг бўш вақтларини фойдали ташкил қилиш мақсадида тузилган бўлиб, асосий эътибор уларни касбга йўналтиришга қаратилади. Келгусида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам шу каби марказларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

МАҲСУЛОТ талабга жавоб бермади

Тайёрланаётган маҳсулот биринчи навбатда истеъмолчи учун мўлжаллангани, бинобарин, бу борада унинг эҳтиёжи, талаби муқаддас эканлиги мамлакатимиз қонунларида ўз ифодасини топган. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятидаги кўпгина корхона, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар истеъмолчи талаб-истаклари асосида иш олиб бораётир.

Чунончи, Янгиқўрғон туманидаги «Марвел-Джус КО» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар довруғи қўшни давлатларгача етиб борди. Шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги «Ширинлик» корхонаси маҳсулоти истеъмолчиларга манзур бўлмоқда, унга нисбатан талаб тобора ортяпти. «Ниҳол» каби хусусий кичик корхоналаридаги сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланаётган турли хилдаги истеъмол неъматлари ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин.

Афсуски, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳамма ерда кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Стандартлаш, метрология, сертификатлаштириш вилоят маркази томонидан мувофиқлаштириш режасига асосан ўтказилган текширишларда ҳали жойларда бу борада жиддий нуқсонлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Кўздан кечирилган корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ярмидан кўпи давлат стандарти, метрология ва сертификатлаштириш талабларига жавоб бермади. Натижаларга кўра стандарт талабларини бузган корхоналарга нисбатан тегишли чоралар белгиланди.

Яна бир жиҳати — кейинги пайтларда алкоголли ичимликлар савдосида сохтагарчиликлар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Масалан, шу турдаги маҳсулот тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи 47 шохобча кўздан кечирилганда, уларнинг 27 тасида амалдаги стандарт ва метрология талаблари бузилганлиги аниқланди. «Тонг», «Осиё», «Мастона» ароқларининг қуввати меъёрдагидан кам экан.

Қонун барчага баробар. Сифатсиз маҳсулот бу инсон саломатлигига кони зиёндир. Пул кетидан қувиб, истеъмолчи манфаатини унутиш гуноҳи азимдир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎРТАДА ҲАЙРОН ФЕРМЕР

низоли масала хусусида холис қарашлар

(Боши 1-бетда).

Бу саволларга ва эътирозларга қуйидаги ҳолатлар асос бўла олади. «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги билан пудратчи Д.Отақулова ўртасида фақат 1999 йил беда ҳосили учун шартнома тузилган. (Шартномани расмийлаштиришнинг қонунийлиги даражасини қўя турайлик). Ўша йили беда ҳосили ўриб олингач, ер шудгорланган. Шунга кўра шартнома муддати амалда тугаган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу пайтда далада иш бўлмайди. Мазкур 6 гектар ер пудратчи Д.Отақуловага узоқ муддатга ижарага далолатнома асосида берилмаган. 106-контурдаги 6 гектар ер фермер хўжалигига ўлчаб берилган пайтда, яъни 1999 йил 30 ноябрда «Меҳнатобод» хўжалигининг экин майдонлари ҳисобидан чиқарилган. Аниқроқ қилиб айтганда, ширкат хўжалигида 2000 йилда экиладиган экинлар майдони тақсимотида 106-контурдаги 6 гектар ер фермер хўжалигига тегишлилиги ва пахта етиштириши қайд этилган. Бу ҳужжат вилоят ер ресурслари бўлими мутахассиси У.Тошматов, хўжалик раиси Б.Абдунабиев ва бошқалар томонидан 1999 йил 19 ноябрда имзоланган. Демак, баҳсга сабаб бўлаётган 6 гектар ер майдонининг тақдири уни фермер хўжалигига ўлчаб беришдан олдинроқ ҳал қилинган.

Бизни бир нарса таажжубга солади. Фермер хўжалиги 6 гектар қўшимча ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаган. «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг ва Пастдарғом туман ҳокимининг қарорларига асосан қишлоқ тадбиркорларига ажратиб берилган. Ўтган давр ичида фермер хўжалиги ушбу ерда ҳосил етиштириб, ўзининг шартномавий мажбуриятини бажариб келмоқда. Бошқача айтганда, фермер томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва «Ер кодекси» талаблари бузилмаган. Бинобарин, ерни фермер хўжалигидан олиб қўйиш мумкин эмас. Борди-ю ер нотўғри ўлчаб берилган бўлса, хатони тузатиш керак. Лекин бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадиган жиҳатлар бор. Масалан, туман ер ресурслари хизмати бўлимида ва фермер хўжалигида мавжуд ҳужжатларда, яъни ер ўлчаб бериш далолатномаси ва ер харитасида 106- контурдан 6 гектар қўшимча ер ажратилгани қайд этилган. Аммо туман ҳокимлигида сақланаётган ҳужжатлар тахламида шахсан мен 106-контурга ва 104- контурга шартли белги қўйилган иккита харитани кўрдим. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам «Меҳнатобод» ширкат хўжалигининг собиқ раиси Б.Абдунабиевнинг имзоси бор. Суд жараёнида ҳам Б.Абдунабиев «Биринчи қалдирғоч»га ер 104-контурдан берилиши мўлжалланганги, лекин бу майдонда ғалла экилгани учун вилоят ер ресурслари хизмати вакилининг кўрсатмасига мувофиқ очиқ майдондан берилганини баён этди. Қисқаси гап бундай: ер ажратиш тўғрисида хўжалик доимий йиғилиши ва туман ҳокимининг қарори чиққач, ер ўлчаб бериш пайтида бу ҳақда далолатнома ёзилади ва берилган ер майдони харитага туширилади. Демак, «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалигига ер ўлчаб беришда нотўғри йўл тутилмаган, дейиш мумкин.

Энди фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси Б.Хидировнинг шахсан ўзига айтадиган гапимиз бор. «Пастдарғом ҳақиқати» туман газетасининг 2000 йил 12 апрелдаги сонида Б.Хидировнинг «Фермерни алдаган ким?» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Унда ўша вақтда туман прокурорининг катта ёрдамчиси бўлиб ишлаган Б.Хидиров «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги манфаатларини мутлақо ёқлаган. Аммо орадан бир йил ўтиб суд раиси бўлган чоғида фермер манфаатига зарар етказадиган тарзда қарор қабул қилди. Бир ҳуқуқшунос турли лавозим курсиларида ўтирганда бир масалага турлича қараши мумкинми? Бу ўринда Б.Хидировнинг ўз-ўзини инкор қилиши қонунни икки хил талқин қилиш билан тенг эмасми?

Ҳозир юзага келган баҳсли вазият, аниқроғи, ер можароси турли идоралар ходимларининг ишга юзаки, ёндашувининг оқибатидир.

Д.Отақулованинг даъвоси қондирилди. Ҳозирги пайтда унинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд эмас. «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги эса туман ҳокимининг қарорига кўра ер билан таъминланиши керак. Демак, Пастдарғом туман ҳокимлиги ушбу можарога чек қўйиб, масалани томонларнинг манфаатига путур етказмаган ҳолда ҳал қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу 6 гектар ерда «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги давлат буюртмасига асосан ғалла (5 гектар) ва пахта (1 гектар) етиштирмоқда. Чигит униб чиққан, ғалла бошоқ тортиб қолган. Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажариши керак. Ер суд қарорига кўра фермер хўжалигидан олиниб, ширкат хўжалигига қайтариладиган бўлса, ҳосил ва шартномалар тақдири нима бўлади? Ҳосил етиштириш учун фермер хўжалиги қилган харажатларни ким ва қай тарзда тўлайди?

Ер можаросини узилкесил ҳал этишда шу жиҳатлар эътиборга олинса адолатдан бўлур эди.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ХАТИРЧИЛИКЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Хатирчидаги хўжалик, корхона ва ташкилотлар ёнилғи ва мойлаш матераилларини қарийб 70 километр олисдаги Навоий шаҳридан ташиб қийналишаётганди. Мутахассисларнинг фикрича, йўл харажатларининг ўзига хатирчиликлар ҳар йили катта миқдорда маблағ сарфлашар экан.

Яқинда Оқтош шаҳридаги темирйўл ёқасида «Хатирчинефтбаза»си ишга туширилиши ортиқча сарсонгарчилигу беҳуда харажатларга чек қўйди. Бу муҳим иншоот шарофати ила 36 киши янги иш ўринларига эга бўлди, келажакда бу кўрсаткич 60 ўринга етказилади. Корхонада ишловчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Шоҳруҳ САРИЕВ.



Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, шаҳардаги «Алпомиш» мажмуида қад ростлаётган янги амфитеатр шаҳар кўркига кўрк бўлиб қўшилмоқда. Уни «Ўздеҳқонқурилиш» трестининг 253-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар.

Суратларда: 1) (ўнгдан) участка бошлиғи Муродилла Тошпўлатов уста Рашид Бобонов билан.
2) Қурилиш жараёни.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ

КОНВЕНЦИЯЛАРИ

154-Конвенция
Жамоа музокаларига кўмаклашиш тўғрисидаги 1981 йил Конвенцияси
(қисқача мазмуни)

Ушбу Конвенция иқтисодий фаолиятнинг барча тармоқларига тадбиқ этилади.

«Жамоа музокаралари» атамаси тадбиркорлар, тадбиркорлар гуруҳи ёхуд бир ёки бир неча тадбиркорлар ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари ўртасидаги меҳнат ва иш билан бандлик шартларини аниқлаш ёки улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун ўтказиладиган барча музокараларни англатади.

Жамоа музокараларига кўмаклашиш учун миллий шароитларга мос келувчи чоралар кўрилади, бундай чоралар:

* жамоа музокараларининг барча учун ўтказиш имконияти бўлишига;

* меҳнат ва иш билан бандлик шартларини белгилаш учун тадбиқ этилишига;

* тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасида келишилган процедура қоидалари ишлаб чиқилишини рағбатлантиришга;

* жамоа музокараларини олиб бориш учун уларни тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмаслиги тўсқинлик қилмаслигига;

* меҳнат низоларини ҳал этиш органлари ва процедуралари жамоа музокараларига кўмаклашадиган тарзда яратилишига қаратилади.

Давлат органлари томонидан жамоа музокараларини рағбатлантириш ва уларни ривожлантиришга кўмаклашиш учун кўриладиган чора-тадбирлар дастлабки маслаҳатлашувлар предмети ҳисобланиши ва имкон бўлган тақдирда давлат органлари ва ташкилотларининг тадбиркорлар ва меҳнаткашлар билан ўзаро битимлари тарзида бўлмоғи лозим.

Жамоа музокараларига кўмаклашиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар жамоа музокаларининг эркинлигини чекламайдиган тарзда ишлаб чиқилиши ёки қўлланилиши зарур.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шархи.

Ушбу Конвенция ХМТнинг саккизта асос солувчи Конвенцияларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 й. 30 августда ратификация қилинган.

Миллий қонунчилик ҳужжатлари ушбу Конвенция принципларига тўла мос келади.

Чунончи, Меҳнат кодексида белгиланишича, ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувга ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар таклиф этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида музокалар олиб борилади. Зарур ҳолларда музокараларда ижро этувчи ҳокимият органлари иштирок этадилар. Иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Аввалги жамоа шартномаси, келишувининг амал қилиш муддати тугашига қадар уч ой мобайнида ёки бу ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган муддатда ҳар қайси тараф бошқа тарафга янги жамоа шартномасини, келишувини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар беришга ҳақлидир.

Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувнинг лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқлилик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

Музокараларда иштирок этаётган тарафларга жамоа шартномаси, келишувининг мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун, музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун жавоб берадилар. Бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тарифасида баҳоланади ва қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида жамоа музокаралари «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонунга биноан касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, иш берувчиларга аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий кафолатларига оид масалалар юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш ҳақида таклифлар киритиш.

Япония элчихонаси Фарғона вилоятидаги бешта мактабга 167 минг доллар ҳажмида жиҳозлар олиб берди. Охунбобоев туманидаги 11-умумтаълим мактаби ушбу саховатдан баҳраманд бўлган билим даргоҳларидан бири.

Ўзбекистон - Япония ҳамкорлиги

ЭЗГУЛИКДАН БАРЧА КУЧ ОЛАДИ

— Даставвал элчихона вакиллари келиб, мактабимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиб кетишди, - дейди мактаб директори, олий тоифали муаллим Ҳакимбек Далибеков. - Ютуқларимиз билан танишишди, камчиликларимизни ҳам яшириб ўтирмадик. Ниҳоят Япония элчихонасида умумтаълим мактабларига кичик ҳажмда ўқув-техника воситалари олиб бериш юзасидан грант шартнома имзоланди. Лойиҳани имзолаш пайтида биз мактаб директорлари ҳам иштирок этдик. Худди шу лойиҳа асосида бизнинг мактабимизга энг кўп-39 минг 365 долларлик парта, стол-стуллар, доскалар, 12 та компьютер, принтер, видеомагнитафон, ксерекс, спорт анжомлари ва бошқа ўқув анжомлар келтирилди.

Бунгача ота-оналар ёрдами ва ўқитувчиларимиз ҳаракати билан мактабда 400 минг сўмлик жорий таъмир ишларини бажардик. Янги жиҳозлар эса худди узукка кўздек бўлиб тушди.

Мактаб директори билан хоналарни кўздан кечирамиз. Дарҳақиқат, синфлардаги парталар, доскалар, кийим илгичлар, ўқитувчилар столлари... ҳавасингизни келтиради. Айниқса, компьютер хонаси, тантаналар уйи ниҳоятда дид билан жиҳозланган.

— Биласизми, чоракни янги парталарда бошлаган ўқувчиларимизда ижобий томонга ўзгаришлар бўлаётганини сездик, - дейди она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гулчеҳрахон Солиева.

— Наинки ўқувчилар, биз муаллимлар ҳам бу ўзгаришлардан анча руҳландик, ишга иштиёқимиз ортди.

— Қулай шароит, қулай имконият ўқитувчиларимизни ҳам ўз устиларида яхшироқ ишлашга даъват этмоқда, - дейди касаба уюшма раиси Акрамжон Маҳмудов. - Ўтган ўқув йили якунлари бўйича рейтинг натижаларимиз туманда тўртинчи ўринда эди. Энди шунча ғамхўрликдан кейин биринчиликка интилмасак бўлмас.

Шундай ҳам бўлмоқда, мактаб нафақат туман, балки вилоятда назарга тушди. Ғамхўрликдан руҳланган муаллимлар эса ёшларни билимдон, зукко қилиб тарбиялаш учун бор билим ва тажрибаларини сафарбар этмоқдалар. Зеро, шоир айтганидек, яхшилик яхшиликдан қувватланади, куч олади.

А.ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ

Фарғона шаҳрида «Хотира ва қадрлаш» хиёбони мажмуаси бунёд этилмоқда. 3,5 гектарлик майдонда барпо қилинаётган мажмуа шаҳарнинг Мустақиллик ва Мўйдин Ҳасанов номидаги энг серқатнов кўчалари кесишган қисмидан жой олди.

Мажмуа бош майдонида ўғлини фронтга кузатиб, соғинч ила тишланган нонни бағрига босганича ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрлаб, набирасига келажакнинг нурли йўлини кўрсатиб турган. мунис она сиймоси акс эттирилади.

Бош майдоннинг икки ёқаси бўйлаб икки юз метрлик меъморий девор, ҳар бир шаҳар ва туманга хос миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган пешайвонлар бунёд этилади. Улардаги лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ана шу ҳудудлардан жангга кетиб қурбон бўлганлар номи битилади.

(ЎзА)

Табаррук инсонлар билан фикрлашганимизда, улар ўт балосидан, тошқин балосидан, қурук тухматдан ўзи асрасин, деб қўйишади. Бу гапда қанчалик чуқур маъно борлигини ҳар доим ҳам идрок этавермаймиз. Бахтга қарши, эҳтиётсизлик, лоқайдлик оқибатида содир бўлаётган ёнғин туфайли фуқаролар йиллар давомида жамғарган мол-мулки, не машаққатда тиклаган бошпаналаридан айрилиб қоладилар.

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН

Кўргиликларимизнинг асосий сабаби, бу лоқайдликдир. Қаранг, биргина ўтган йили Каттақўрғон шаҳрида 65 та ёнғин содир бўлди. Тилсиз ёв асосан газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш ёки ёш болалар эътиборсиз қолдирилиши оқибатида зиён-заҳмат етказаяпти.

Амир Темур шоҳ кўчаси 10-уй 58-хонадон соҳиблари электр чироғи вақтинча ўчиб қолганида лампа мойли чироқдан эҳтиётсизлик билан фойдаланганлар. Назоратсиз қолган тўрт ёшли қизча токчадан ана шу лампани оламан деганида, устига керосин тўкилиб кетади. Саросимага тушган уй бекаси қўни-қўшнини ёрдамга чақирди. Бу орада етиб келган ўт ўчирувчилар ёвни даф қилдилар. Жабрланганлар тезликда касалхонага ётқизилди. Тан жароҳати олган уй эгалари даволаниб, соғайиб кетишди. Бироқ, жажжигина қизча оламдан кўз юмди.

Чаман кўча 8-уйда яшовчи Анора Қалқонова овқат пишириш учун қонунга хилоф равишда резина шланкдан газ улаб, ўт ёқади. Ўша пайтда ҳовлида ўйнаб юрган олти ёшли қизчаси шланкга илашиб қолади. Натижада кучли алангга кўтарилиб, гулдеккина қизча бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Ахир, шундай бўлмаслиги мумкин эди-ку. Тегишли идора ходимлари хонадонларда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб боришганда, уларнинг гапини кўпчилик маъқуллайди, тегишли қонун-қоидага қатъий риоя қилишларини таъкидлашади. Аммо кўп ўтмай, кимлардир ўз билганидан қолмайди.

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида шаҳарда 18 та ёнғин содир бўлди. Таҳлиллар эса кўргиликнинг олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Зеро бу кўпроқ ўзимизга боғлиқ. Ҳамиша ҳушёру огоҳ бўлайлик. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик аввало ўзимизга қимматга тушишини унутмайлик.

И.САҒДИЕВ,
Каттақўрғон шаҳар мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг катта нозири.
Д.ШАКАРОВ,
журналист.

ЭР—ХОТИН ШАХСИЙ ФОЙДАЛАНИШИДАГИ БУЮМЛАР

Оила ва қонун

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

1. Ушбу моддага асосан, эр ва хотиннинг шахсий фойдаланишида бўлган кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар уларнинг хусусий мулклари ҳисобланади. Бундай мулкларни хусусий мулк деб ҳисоблаш учун уларнинг қайси маблағ ҳисобига харид қилинганлиги ҳисобга олинмайди. Мулкни эр-хотиннинг хусусий мулки деб ҳисоблаш учун уларнинг ўша эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланишида бўлганлиги кифоя қилади. Лекин шахсий фойдаланишдаги ҳамма буюмлар ҳам эр ёки хотиннинг хусусий мулки бўлавермайди. Масалан, қонунда зебу зийнат ашёлари умумий маблағ ҳисобига олинган бўлса-да, эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланиши учун белгиланишидан қатъий назар, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини ташкил қилади.

2. Қонунда зебу зийнат ашёларига, шунингдек, қимматли буюмларга нималар кириши аниқ кўрсатилмаган.

Ҳар бир муайян ҳолда бундай ашёга нималар кириши суд томонидан ҳал қилинади, чунки бу тушунчалар нисбий бўлиб, маҳаллий шароит ва вақтга қараб ўзгариши мумкин. Амалиётда ҳамма вақт олтин, кумуш, платина ва бошқа қимматли металл ва тошлардан қилинган зебу зийнат асбоблари қимматли ашёлар жумласига киради.

3. Ушбу модданинг мазмунига кўра, эр-хотиннинг шахсий фойдаланишида бўлиши мумкин бўлган буюмларга нималар кириши масаласини кенг шарҳлаш мумкин эмас. Бундай буюмлар жумласига зебу зийнат ва қимматли ашёлардан ташқари, эр-хотиннинг бири томонидан фойдаланиладиган касбий меҳнат қуроллари (бастакорнинг пианиноси, мусиқа асбоблари, олимнинг кутубхонаси ва бошқалар) ҳам кирмайди.

(Давоми. Боши газетамизнинг 57-сонида).

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

Хотира

РЎЗИ БОБО ЯРАТГАН БЎСТОН

Бундан чорак аср муқаддам қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган кимсасиз чўлу-биёбонда бугун замонавий турар-жойлар, хўжаликнинг марказий қўрғони, файзли далалар, ғалла пайкаллари, меваз-ор боғ-роғлар...

Хўжалик ташкил этилган 1982 йил кузи. Ҳавонинг авзойи бузилган, боз устига қаттиқ шамол туриб кўз очиргани қўймайди. Одамлар вагон уйларга, ертўла ва капаларга омонатгина жойлашишган. Кайфият унчалик ҳам яхши эмас.

Рўзи Аҳмедов Қарши даштидаги «Дўстлик» хўжалигининг бўлим бошқарувчилигидан янгитдан ташкил этилган хўжаликка раҳбар бўлиб келган дамлар эди, ўшанда. Нимасини айтасиз, дастлаб оғир бўлди. Чўл чўл-да. Худди минилмаган асов отга ўхшаб сира бўй бергиси келмади. Лекин одамларнинг аҳиллиги, уюшқоқлиги ва тадбиркорлиги билан қийинчиликлар бартараф этилди. Орзулар рўё эмаслигидан далолат бериб, чўл ҳам мулойим тортиб, йўлга

юрадиган бўлиб қолди.

Бугунга келиб хўжалик 5920 гектар экин майдонига эга бўлган йирик меҳнат жамоасига айланди. 150 хонадон учун қўриқ шароитига мос томорқали турар-жой, қўш қаватли мактаб, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриб битказилди.

Асрий даштда меваз-ор боғлар қулф урмоқда. Яхши ният билан экилган ҳар бир дарахтда Рўзи бобо Аҳмедовнинг қўл излари бор. Одамийлик илмини пухта эгаллаган бу олижаноб инсон фидойи меҳнати билан ўзига ҳайкал қуриб кетди.

Ўн олти ёшидан бошлаб Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштиришда қатнашиб, звено бошлиғи ва бригадир бўлиб ишлаган, бир умр эл корига яраш ниятида бўлган Рўзи Аҳмедов оилапарвар инсон сифатида ҳам барчага ўрнак эди. Бизнинг келажагимиз фарзандларимиздир, биз улар учун яшаганимиз каби, вақти-соати келиб улар ҳам бизнинг ишларимизни давом эттирадилар, биз орзу қилиб эришмаган манзилларга етадилар, дегувчи эди бот-бот. Чўлқувар деҳқон умр йўлдоши Холбиби момо Бойтўраева билан 7 ўғил, 2 қизни тарбиялаб вояга етказди.

Табаррук қария бошлаган хайрли ишлар ўғиллари Баҳодир, Баҳриддин, Шаҳодир, Нуриддин, Отабек, Бобур, Сирожиддин, қизлари Муҳайё, Шоҳида, укаси Маҳаммадиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яна ҳам кенгрок қўлам касб этмоқда.

Касби туманидаги Беруний номли хўжаликдан Нурилла хожи Илёсов, Баҳористон туманидаги 25-жамоа хўжалигидан Бобониёз Қўчқоров, Косон туманидаги 52-хўжаликдан Эргаш Бегимқулов, Нишон туманидаги Хамза номли хўжаликдан Холмурод Ражабов, Турсунқул Қулмуродов, Эргали Набиев, Хуррам Аҳмедов.., Улар ажойиб инсонинг дуосини олган шогирдлар ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яхшидан боғ қолади, деб шунга айтадиларда!

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТОШКЕНТДА КУРАШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

(Боши-1бетда)

Ўзбек кураши бундан уч йил бурун халқаро миқёсда расман тан олиниб, 1998 йилда Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилган эди. Ўтган қисқа давр ичида икки марта - Ўзбекистон ва Туркияда кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Шунингдек, Буюк Британияда ўзбек кураши бўйича катта мусобақа ташкил этилди.

Матбуот анжуманида қатнашган Осиё кураш конфедерацияси бош котиби Мукеш Кумарнинг айтишича, ўзбек кураши бўйича Тошкентда ўтажак биринчи Осиё чемпионатида 16 мамлакат вакилларининг иштирок этаётгани эътиборга молик. Негаки, бундан олдинги чемпионатда саккиз давлатдан спортчилар қатнашган эди. Кўриб турибмизки, деди у, дунёда ўзбек кураши тобора оммавийлашмоқда.

Курашнинг тобора кенг тарқалаётганига яна бир исботни Осиё кураш конфедерацияси вакили Ризо Носирий айтди: «Яқинда дзюдо кураши бўйича Мўғулистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 18 мамлакат вакиллари қатнашди. Дзюдонинг халқаро спорт турига киритилганига 50 йил бўлди. Ўзбек кураши эса 1998 йилдан халқаро майдонга чиққан. Лекин шу вақт ичида қатнашчи мамлакатлар ўн олтига етди. Бу, шубҳасиз, катта воқеа».

Мазкур чемпионат ўзбек курашининг Осиё ёзги ўйинлари, сўнгра олимпиада мусобақалари таркибига расмий спорт тури сифатида киришида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, М.Кумарнинг таъкидлашича, 2006 йилда ўзбек кураши Осиё ўйинлари таркибига киришига шубҳа йўқ. Матбуот анжуманида айтилдики, кураш бўйича Осиё чемпионати бундан кейин ҳар йили мунтазам ўтказилади.

Чемпионат мусобақалари икки кун давом этади. 28 апрел куни мусобақанинг расмий очилиш маросимидан сўнг, «Юнусобод» спорт мажмуида 73, 81, 90 килограмм вазн тоифалари бўйича эркаклар, 29 апрелда эса вазни 63 килограммгача бўлган аёллар куч синашади.

(ЎзА)

ЯНА БИР МУЗЕЙ

Бухоро шаҳрида музейлар сони яна биттага кўпайди. Заргарон масжидида Бухоро ёдгорликлари тарихи музейи очилди. Унда Бухорои Шарифнинг ўтмиши ва истиқлол йилларидаги тараққиёти акс этган. Музейда шаҳарнинг пайдо бўлиши тарихи, «Бухоро қалъа ва дарвозалари», «Бухорода таъмирлаш ишлари ва ҳозирги шароит», «Бухоро устозодалари», «Сув иншоотлари», «Бизгача етиб келган ва етиб келмаган ёдгорликлар», «Бухоро бозорлари ва савдо расталари», «Бухоро-ЮНЕСКО» бўлимлари мавжуд. Янги музей экспонатлари хорижлик ва маҳаллий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» спорт мусобақалари чорлайди

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 29 апрелидан 5 майигача Жиззах шаҳрида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Мазкур мусобақаларга ҳозирлик якуний босқичга кирди. Барча тайёргарлик ишлари республика касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг 2000 йил октябрда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Миллий олимпия қўмитаси, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқарувининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарорига мувофиқ олиб борилди.

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал ўйинлари баскетбол, волейбол, кураш (халқаро қоидалар, фарғонача усул), футбол, енгил атлетика, теннис, сузиш турлари бўйича ўтказилади.

Спорт маликаси — енгил атлетика мусобақалари учун Жиззахнинг «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳи тахт қилиб қўйилган бўлса, теннис, сузиш, баскетбол турлари Жиззах Олимпия заҳираси коллежи спорт мажмуасида бўлиб ўтади, волейболчилар Бахмал туманида, курашчилар Пахтакор тумани, футболчилар эса Ғаллаорол туман касб-ҳунар коллежлари спорт залларида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича вилоят штаби бошлиғи, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Қ.Рафиқов тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида шундай деди:

— Спорт байрамига тайёргарлик жараёнида жуда кўплаб иншоотлар дунё андозалари асосида қайта таъмирланиб, замон талабларига мувофиқ жиҳозланди, кенг қамровли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жиззахда «Олимпия шаҳарчаси» барпо этилди. Айниқса, Ғаллаорол шаҳрига кираверишда «Баркамол авлод боғи»нинг ташкил қилиниши айни муддао бўлди. Жуда кўплаб кўприклар қайта таъмирланиб, йўлларга асфальт ётқизилди, электр энергияси, газ, сув таъминоти яхшиланди.

Байрамда 1876 нафар ёш спортчи қатнашади. Жами иштирокчилар 6 минг кишини ташкил этиши мўлжалланмоқда. Меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам кенг кўламли тадбирлар белгиланган. Хусусан, вилоятнинг қоқ марказидаги «Сангзоркўл»да таниқли санъаткорлар иштирокида катта концерт намойиш этилади. Шунингдек, турли викториналар, атоқли ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, машҳур санъат усталарининг чиқишлари, фан, адабиёт намоёндалари билан республикамиз тарихи, мустақиллик йилларида эришилган шарафли йўл ҳақида суҳбатлар, Президентимиз асарлари муҳокамаси бўлиши кўзда тутилмоқда. «Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори» мавзуидаги илмий-амалий конференция кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун 227 та қимматбаҳо совғалар ҳозирланди.

Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилояти ва шаҳридан келадиган ёш спортчи меҳмонларимиз вилоят марказий автовокзалида, қолган вилоятлардан келувчи меҳмонлар «Жиззах» темир йўл вокзалида тантанавор кутиб олинади.

Маълумки, спорт мусобақалари машъаласи Паркент туманидаги «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш марказида ёқилади. Машъалани олиб келиш махсус сценарий асосида амалга оширилади. Машъалани келтириш чоғида «Барчиной», «Алпомиш» тест синовлари, турли спорт тадбирларига кенг ўрин берилади. Жиззахдаги «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳида диаметри 4,5 метрлик машъала мосламаси тахт қилиб қўйилди.

Дарҳақиқат, Жиззах ва жиззахликлар «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчилари бўлган ёшларни ва барча меҳмонларни кутиб олишга шай турибди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Футбол: Еттинчи гуруҳ

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Ҳам кутилган, ҳам кутилмаган натижа. Ҳар қалай футболда шунақаси ҳам бўлиб туради. Муҳими, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни назоратдан чиқармаган маъқул туюлади. Гарчанд Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланма учун Тошкентда бошланган турнинг илк матчи тўлалигича мамлакатимиз терма жамоаси устунлигида ўтган, Хитой Тайпейи терма жамоаси дарвозабони Янг Ченг-Син тўрдан етти марта тўп олиб чиққан, ва табиийки, бу ҳол ишқибозларнинг чексиз қувончига сабаб бўлган эса-да, бу катта йўл олдидан биринчи қадам эканлигини унутмаганимиз маъқул.

Бундан бир неча кун муқаддам бош мураббий Владимир Сальков оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб бериб, терма жамоанинг бугунги рейтинг баҳоси 7,5 баллга тенг эканлигини айтган эди. Бу, айни вақтда, изланиш ва янги-янги имкониятларни қидириб топиш лозимлигини билдиради, албатта. Гуруҳдаги дастлабки ўйин бу йўналишда муайян силжиш борлигини тасдиқлагандек бўлди.

Тўғри, жамоа аъзолари бир-бирларини тўла тушуниб ҳаракат қилаётирлар, дейишимизга ҳали эрта. Лекин жонбозлик, илгари кўзга ташланмаган айрим комбинациялар мухлисларни мамнун этди. Четдан қабул қилинган Дионисиев, Георгиев, Пашинин, Маминов йигитларимизга анча сингиб кетганлари ҳам сезилиб турди. Айниқса, Москванинг «Спартак» жамоасида анча сўниб қолган Жаъфар Ирисметовнинг тўрт голи умидимизни янада кучайтирди.

Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳдаги асосий рақиби ҳисобланган Иордания Туркманистон билан кечган биринчи учрашувни 0:2 ҳисобида бой берди. Энди у Хитой Тайпейига қарши майдонга тушади. Юртдошларимиз эса «Пахтакор» ўйингоҳида Туркманистон футболчиларини қабул қиладилар.

Кино

ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

(Боши ўтган сонда)

Ўз-ўзидан дастлабки хулоса келиб чиқади: қаҳрамон образининг экранда гавдаланиши санъаткор фуқаролик бурчини ҳамиша ҳис этиб туришига ҳам, унинг истеъдоди, малакаси, сезгирлиги, ақлзаковати, янги эстетик шаклларни ўзлаштириб, бадиий хазинасини бойитиб боришига ҳам, илғор методологиялар асосида тарих муаммоларини ўргангани, ўзлаштирганига ҳам боғлиқ экан. Фақат юксак бадиий савиядаги кино маданияти, унинг таркибий қисми бўлмиш бақувват драматургия ва нафис бўёқларга бой режиссура, ҳаётий ижро ҳамда сержило тасвир инсоннинг, танланган қарамоннинг нозик ҳис-туйғуларини очиб бера олади. Эски қолиплар, андозалар, филмдан филмга кўчиб юрадиган сюжет йўллари, на адабиёт, на кино талабларига жавоб бераётган сценарийлар, қашшоқ режиссура, ижрода сунъийлик, оператор санъатида «чиройли», лекин ҳеч қандай драматургик юкка эга бўлмаган кадрлар йўқ дейсизми?!

Давримиз қаҳрамонининг экрандаги тавсифини олайлик. Ўз-ўзидан маълумки, қаҳрамонлик, баҳодирлик, ботирлик, мардонаворлик тушунчаси ва бадиий асар қаҳрамонининг экрандаги, саҳнадаги ёки китобдаги умри ўртасида тафовут ва муштарак нуқталар мавжуд. Асар қаҳрамони жасорат кўрсатмаслиги, баҳодирона куч-қудратини намойиш этмаслиги ҳам мумкин. Лекин ҳақиқий қаҳрамон даражасига кўтарилиши, ёшларга намуна бўлиши, уларнинг ўйлари, турмуш тарзига, дунёқарашига таъсир кўрсатиши лозим.

Бинобарин, давр қаҳрамонини «аниқлайдиган» мезонлар, талабларни белгилаш ҳам зарур кўринади. Қаҳрамон фақат космонавт ёки жанг майдонида ғолиб бўлган шахсгина эмасдир... Мустақиллик даврида янги қаҳрамон типи вужудга келди-ку! Унга умумий таъриф берадиган бўлсак, улуғ боболари соҳибқирон Амир Темур ва мутафаккир Навоий билан, нозик табиатли, юксак дидли Камолиддин Беҳзод ҳамда Ватанни севиш, улуғлаш, ардоқлашда тенги йўқ Бобур каби чин қаҳрамонлари билан фахрланадиган, айни бир вақтда мустақиллигимизнинг енгилмас посбонига айланган, руҳан ва жисмонан тетик, истиқлол ғояларини ҳормай-толмай тарғиб қиладиган билимдон шахслардир.

Чингиз Айтматов шу куннинг энг долзарб масалалари юзасидан бежизга тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, эҳтирос билан сўзламади, мақолалар битмади, ўзаро суҳбатларда замондошлари диққатини глобал масалаларга қаратмади. Охир оқибатда у «Кассандра тамғаси» («Тавро кассандры») бадиий-фалсафий романини ёзиб жаҳон миқёсидаги китобхонлар оммасига мурожаат этди. Асар муштарийни, турли ёшдаги китобхонларнигина эмас, турли санъат вакилларининг, жумладан кино аҳлининг ҳам эътиборини тортди. Тез орада романнинг янги — экрандаги умри бошланди, бинобарин, гуноҳли ишларга қўл урганларга қарши жаҳон экранидан сўз айтишга имкон туғилди. Тарбиявий аҳамияти катта бўлган бундай романлар, кино романларга жамият ташналиги барчамизга аён...

(Давоми бор).
Ҳамидулла АКБАРОВ.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

«Илҳом» театр-студиясида VI Бутунжаҳон мусиқа ва театр фестивали очилишига бағишланган маросим ўтказилди. Маросим Баҳодир Жалолов ва Сергей Алибеков каби халққа таниқли мўйқалам усталарининг расмлари кўргазмаси билан бошланди.

— Кўргазмада тасвирий санъатда вужудга келган янги йўналишларни намойиш қилишга интилдик, — деди Баҳодир Жалолов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Йўналишлар орасида замонавий мавзуларга бўлган муносабат ҳам, тарихий қадриятлар ҳам ўз аксини топган. Кўргазмада, асосан, сўнгги йилларда яратган асарларимиз намойиш қилинаётган бўлиб, уларда Ўзбекистон графика усталарининг ҳозирги савияси, эришган ютуқлари ўз ифодасини топган.

Намойишга қўйилган асарлар орасида анъанавий услубда яратилган расмлар ва замонавий Европа санъати таъсирида туғилган асарлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар Ўзбекистон тасвирий санъати нақадар ранг-баранглашиб бораётганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради.

— Расмларимиз орасида замонавий мавзулар талқинига бағишланган намуналар билан бир қаторда мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлари меъморий ёдгорликлари таъсирида ёки улардан руҳланиш натижасида юзага келган асарлар ҳам катта мавқе касб этган. Улар ўтмиш ва буюк тарихий қадриятлар билан ҳозирги замонамиз орасидаги боғлиқликни, алоқадорликни тасаввур қилишга ёрдам беради.

«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан

ЖЎМАРД ГОВАМАРТМИ?

Бизнингча, ушбу афсонанинг пайдо бўлишида Шарқ мифологияси, «Шоҳнома» ва «Авесто»даги Говамарт (Каюмарс), Шарқ мифологиясидаги Хушамшоҳ, Жамшид ҳақидаги афсонанинг воҳа халқ эпик ижодиётида машҳур бўлиши шундай афсонанинг юзага келишига замин ҳозирлади. Жўмард эса — Говамарт, Хушамшоҳ ва Жамшид афсонавий образларининг синтези, янги вариантидир. Буни улар ҳақидаги афсоналар хотимаси ҳам кўрсатиб турибди: «Бундахишн»даги маълумотларга кўра, Говамарт Ангро-Майнью қўлида ҳалок бўлса, Жўмард ўз шогирди томонидан ўлдирилади.

Табиийки, қуйи Амударё бўйида яшовчи ҳозирги халқларнинг қадимги ота-боболари чорвачилик билан (хусусан, йирик шохли моллар) шуғулланиб тирикчилик қилганлиги қассоб Жўмард афсонасининг ҳаётий асосларга эга эканлигига далилдир. Ҳозиргача воҳадаги кексалар тасаввурида Жўмард қассоблар пири, ҳомийси сифатида тилга олиниши ҳам бежиз эмас.

Қадимги Хоразм ерларига дастлаб элтиб ташланган кишиларнинг мол гўшти еб тирик қолганликлари ҳақидаги араб географи ал-Мақдисийнинг ривояти ҳам юқоридаги афсона илдизларининг жуда қадим даврларга алоқадор эканига исботдир.

Каюмарс ҳақидаги миф ва афсоналарнинг халқ эпоси тўқимасидаги трансформацияси достонлар характерига кўра турличадир. Ижтимоий-маиший достонларда миф излари ёрқинроқ бўлиб, классик қаҳрамонлик ва тарихий достонларда эса анча хира ва сўниқдир.

Мифологияда Каюмарс дунёдаги биринчи инсон сифатида қабул қилинар экан, у халқ оғзаки ижодида тобора ўзгариб, Говамарт, Жўмард (афсона ва эртакларда) каби персонажга айланади, халқ достонларида турдошлик касб этиб, эстетик вазифасининг доираси кенгаяди. Каюмарснинг ярми ҳўкиз, ярми одам бўлиб ғайритабиий туғилиши, жасадидан металл пайдо бўлиши воқеаси билан «Шаҳриёр», «Қоракўз ойим», «Илмхон» (Қурбонбой жиров варианти) каби достонларда дунёга келган чақалоқларнинг ғаройиб кўринишлари (олтин, кумуш кокилли, ярми илон, ярми одам шаклида) орасида ўзаро генетик алоқадорлик бор. Бу ерда мифологик тасаввур анча ёрқин сақланган бўлиб, у эртак ва афсона асосидаги достонларга хослиги кўриниб турибди.

Каюмарс — Говамартнинг Амударёда яшаганлиги ва ниҳоятда улканлиги ҳақидаги тасаввурлар эса сув пари-ларини қўриқловчи ва сув ости руҳларига қарши курашувчи афсонавий паҳлавонлар, девлар (инсонга ёрдам берувчи) образларининг халқ эпосида пайдо бўлишига замин яратган ҳолатлардан биридир. Говамарт — Жўмарднинг душман томонидан ўлдирилиши — халқ эпосида рад қилинади ва мифнинг рационал мағзи — эзгулик ғояси эпос талаблари асосида янада ривожлантирилади ва қаҳрамонлар ҳар қандай шароитда ҳам ғолиб бўлиб юрадилар. Халқ достонларидаги фуқаропарвар, одил шоҳлар образларининг генезиси ва талқинларида Каюмарс — Говамартга хос адолатпешалик ва саховатлилик каби фазилатларнинг оғзаки ижодда сайқалланиб, даврга ҳамоҳанг янги хусусиятлар билан такомиллашиб борганини кўрамиз.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
профессор.

(Охири. Боши газетамизнинг 59-сонида).

Бу турфа олам

КОТИБАЛАР БИЛИБ ҚЎЙИШСИН!

Туркия мутахассислари котибалар учун ниҳоятда зарур бўлган сифатларни ўрганиб чиқди. Улар котиба бекаму-кўст бўлиши учун 10 фазилатга эга бўлиши керак, деган хулосага келди. Биринчи навбатда, албатта, гўзал ва ораста, дилкаш ва босиқ бўлиши шарт. Дид билан кийиниш, ҳар доим жилмайиб юриш, сўзлашганда адабий тил қоидаларига риоя қилиб сўзларни аниқ талаффуз этиш керак. Котибалар хорижий тилларни билиши, чиройли ва тез ёзиши, комьютерда ишлаш бўйича сабоқ олган бўлиши шарт. Бу касб эгалари раҳбарни тўғри тушуниши, унинг иш услубини, одатлари ва қилиқларини билиши зарур. Раҳбарнинг шахсий ҳаёти, танишлари, қариндош-уруғлари ҳамда дўстлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотга эга бўлиши керак.

Фойдадан холи бўлмаган яна бир сифат бор. Бу бошлиққа содиқлик, унга фақат зарур пайтда мурожаат қилишдир.

ЭЧКИЛАР ХИЗМАТИ

Сан-Францискодаги Сан-Леандро аэропорти раҳбарияти аэропорт ҳудудини бегона ўтлардан тозалашнинг ўзига хос усулини топди. Бу юмушга эчкиларни сафарбар этиб кўя қолди. Янги усул самарали ҳамда экологик тозалиги билан алоҳида диққатга сазовордир.

Эчкиларни ижарага бериб турадиган махсус фирма ҳам топилди. Унинг номи ҳам аломат — «Гоутс-ар-ас», яъни ўзбекча «Биз эчкилар» деган маънони билдиради.

Айни пайтда аэропорт ҳудудини бегона ўтлардан халос қилиш тадбири юксак савияда олиб борилмоқда. Ҳатто, «Син-эн-эн» телеканали эчкиларнинг майсаларни бир текис тозалаб бораётгани ҳақида «репортаж» ҳам тайёрлади. Айтишларича, эчкилар хизматидан фойдаланилса, 12 кундан кейин майдонларда ортиқча майса қолмайди.

Эчкилар хизматидан фақат Калифорния штати фойдаланаётгани йўқ. Бу тажриба Колорадо штатида ҳам аллақачон йўлга қўйилган. Бу ерда юзта кашмир эчкиси шаҳар хиёбонларини тозалашда маҳаллий ҳокимиятга яқиндан ёрдам бермоқда.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6